



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ҚИДИРУВДА БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ АНИҚЛАШДА ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ХИЗМАТИ БИЛАН ЎЗARO ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Усмонов Дониёр Қахрамон ўғли

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси катта
ўқитувчиси, майор

Рўзмаматов Отабек Тўлқин ўғли

Кундузги таълим 3-ўқув курси 317-гуруҳ курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17840506>

ARTICLE INFO

Received: 1st December 2025

Accepted: 2nd December 2025

Published: 5th December 2025

KEYWORDS

Ҳамкорлик, ҳуқуқбузарликлар
профилактикасидаги
ҳамкорлик, соҳавий хизматлар
ўртасидаги ҳамкорлик, ички
ишлар органларининг соҳавий
хизматлари.

ABSTRACT

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги
ҳамкорлик, ички ишлар органларининг соҳавий
хизматлари ўртасидаги ҳамкорлик, профилактика
инспекторининг тезкор қидирув хизмати ходимлари
билан ҳамкорлигининг асосий хусусиятлари,
профилактика инспектори тезкор қидирув ходимлари
билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари,
профилактика инспекторининг тезкор қидирув
хизмати ходимлари билан ҳамкорлик қилиш тартиби
ва бошқалар ҳақида сўз юритилади.

Ички ишлар органлари ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш мақсадида, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлик қилади ҳамда аниқланган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга оид маълумотларни оғзаки, ёзма ва электрон шаклларда алмашишни амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар, шунингдек давлат органлари, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, жамоат тартибини сақлаш, содир қилинган жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларни содир қилиниш сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф қилишда, жиноятчиларни турган жойини аниқлашда, бедарак йўқолганларни қидиришда, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ички ишлар органларига ўз ваколатлари доирасида кўмаклашиши шарт¹.

Профилактика инспекторларининг ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш ва такомиллаштириш масалалари кўрилатганда, аввало ўрганилаётган объектда ўзаро ҳамкорлик тушунчасига таъриф бериб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳамкорликка олим В.А.Афанасьев қуйидагича таъриф беради. *Ҳамкорлик* – бу қонун ва қонун ости актларда асосланган, вазифалар, йўналишлар ва вақтлар билан келишилган, хизмат кўрсатилаётган ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда, ҳуқуқбузарликлар шу жумладан жиноятларнинг олдини олишда

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 2016 йил 16 сентябрь қонуни.
www.lex.uz

иштирок этувчи ички ишлар органларининг куч ва воситаларидан ҳамкорликда фойдаланиш тушунилади².

Содда қилиб айтганда, ҳамкорлик — бирга ишлаш, бирга ҳаракат қилишдир.

Ҳуқуқбузарлик профилактикасидаги ҳамкорлик – бу маъмурий ҳудудда криминоген вазиятни доимий равишда таҳлил қилиб бориш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ижтимоий-руҳий муҳитни соғломлаштириш, криминоген омиллар таъсирини йўқотиш ва кучсизлантириш, ўзининг хулқи, ҳаёт тарзи бўйича жиноят содир этишга мойил бўлган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга тарбиявий профилактик таъсир кўрсатиш, содир этилган жиноятларни очиш, қидирувдаги жиноятчиларни аниқлаш ва ушлаш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича барча субъектларнинг қонун ва қонуности ҳужжатларида белгиланган ваколатлар, усул ва шакллар асосида келишилган тартибда биргаликда фаолият олиб бориши жараёнидир³.

Бошқача айтганда, ҳуқуқбузарлик профилактикасидаги ҳамкорлик — бу турли ташкилот ва шахсларнинг биргаликда ҳаракат қилиши орқали жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тизимли ва самарали ишларни ташкил этиш.

Масалан, профилактика инспекторининг бошқа соҳавий хизматлар билан бирга жамоат тартибини сақлашда, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлардан сақлашда ҳамкорлик қилиши мумкин.

Ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари — бу ички ишлар тизими доирасида муайян соҳада (масалан, жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, миграцияни назорат қилиш ва ҳоказо) амалга ошириладиган махсус хизматлар мажмуи ҳисобланади.

Профилактика инспекторларининг соҳавий хизматлари билан ўзаро ҳамкорлиги ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, унинг асосий йўналишлари ҳамкорликка киришувчи субъектларга юклатилган вазифалар кўлаמידан келиб чиқади.

Профилактика инспекторининг тезкор қидирув хизмати ходимлари билан ҳамкорлигининг асосий хусусиятлари:

биринчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади;

иккинчидан, суриштирув органлари, суд ва терговдан яширинган шахсларни, бедарак йўқолганлар қидируви ҳамда шахси номаълум мурдаларни аниқлашда;

учинчидан, ҳудудда содир этилган жиноятларни иссиқ изидан, тез ва сифатли очиш, ўт шунингдек бошқа нохуш ҳодиса ва ҳолатларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлашда ўз аксини топади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Профилактика инспектори тезкор қидирув хизматининг ҳам соҳавий йўналишлар бўйича, ҳам маъмурий ҳудудга бириктирилган ходимлари билан ҳам ҳамкорлик қилади.

Профилактика инспекторининг тезкор қидирув хизмати ходимлари билан ҳамкорлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

- Профилактика инспектори маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ва таянч пунктида ҳисобда турган ўта хавфли рецидивистлар, муқаддам судланганлар ва маъмурий назоратда бўлган шахсларнинг рўйхатини юритиб, бу борада ушбу шахсларнинг

² Афанасьев В.А. Организация работы участкового инспектора милиции. М. 1990., С.-38.

³ Ж.С.Мухторов. «Ички ишлар идоралари профилактика хизматлари томонидан жиноятларнинг олдини олишни таъминлаш» номли Юрид. фан. номзоди. Дис. Т, 2018.

турмуш тарзи, ҳаёт шароитлари, юриш туришлари бўйича жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш хизмати ходимлари билан ўзаро ахборот алмашиб боради;

– Профилактика инспекторининг тезкор қидирув хизмати ходимлари билан жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар, уларнинг алоқалари, шунингдек кутилаётган жиноятлар, ўтган йилларда содир этилиб, очилмай қолган жиноятларни фош этиш, тўғрисида мунтазам равишда ахборот алмашиб, биргаликда уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чораларини кўрадилар;

– Профилактика инспектори хизмат ҳудудида диний экстремистик оқим тарафдорлари, айниқса, ушбу оқим таъсирига тушиб қолган ёшларни аниқлаш мақсадида маҳалла фаоллари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбарлари, дин ишлари бўйича кўмита вакиллари, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, мактабларнинг маъмуриятлари билан мунтазам равишда фикр алмашиб, аниқланган ҳолатлар юзасидан терроризм ва экстремизмга қарши курашиш хизматлари ходимларига хабар беради;

- Тезкор қидирув хизмати ходими ўзининг ташаббуси билан маъмурий ҳудуддаги қидирувдагилар, бедарак йўқолганлар, ўтган йилларда содир этилиб очилмаган жиноятлар бўйича ишни ташкил қилганда профилактика инспектори у билан ҳамкорликда ишни олиб боради ҳамда керакли амалий ёрдам кўрсатади;

- Профилактика инспектори хизмат кўрсатиш ҳудудидаги тезкор-криминоген ва ижтимоий сиёсий вазият тўғрисида, жамоатчилик вакиллари ва аҳолининг руҳий ҳолати бўйича мунтазам равишда тезкор-қидирув хизмати ходимларига хабар бериб туради;

– Профилактика инспектори тезкор қидирув хизмати ходимлари билан биргаликда ҳудудда ноқонуний фаолият кўрсатаётган диний ташкилотлар, мачитлар, ҳужра ҳамда диний экстремистик ташвиқот юритувчи фуқаролар, отинойилар, имом-хатибларни аниқлаш чораларини кўради, биргаликда тезкор-профилактик тадбирлар, рейдлар ўтказади;

– Тезкор қидирув хизмати ходимлари профилактика инспектори билан ҳамкорликда ҳудудда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, содир этилган бундай турдаги жиноятларни аниқлаш ва айбдорларга тегишли чоралар кўриш мақсадида, тезкор-профилактик тадбирлар ва рейдлар ўтказадилар.

- Жиноятларни фош этишда, тезкор хизматлар ва профилактика инспектори асосий эътиборни муқаддам судланган, ички ишлар органларининг профилактика ҳисобида турган ва бошқа жиноят содир этишга мойил шахсларга қаратадилар.

Профилактика инспектори тезкор қидирув ходимлари билан ҳамкорликда қуйидаги йўналишларда, қуйидаги тартибда ҳамкорли қилади:

ўз яшаш жойларидан номаълум сабабларга кўра узоқ муддатларга чиқиб кетган шахсларнинг қаерга ва нима сабабдан кетганига доир маълумотларни тўплаш ҳамда ҳамкорликда мазкур маълумотларни текшириш чораларини кўради;

профилактика инспекторининг тезкор қидирув хизмати ходимлари биргаликда жиний тузилмалар тўпланадиган ва ўғирлик моллар ўзлаштириладиган жойларда тезкор-профилактик тадбирларни амалга оширадилар;

профилактика инспектори қидирувдаги бедарак йўқолган шахсларни топиш, соғлиги ва ёши туфайли ўзи ҳақида хабар бера олмайдиган шахслар ҳамда номаълум жасадларнинг шахсини аниқлаш бўйича ўтказиладиган тезкор-қидирув тадбирларда фаол иштирок этади ва бундай ишларга кенг жамоатчиликни жалб этади;

тезкор-қидирув хизмати ходими томонидан ўтказиладиган суриштирув, тергов, суддан

ва жазони ўташдан бўйин товлаб яшириниб юрган шахсларнинг қидирувини амалга ошириш ва уларни қўлга олиш тадбирларида профилактика инспектори иштирок этади ва керакли маълумотлар алмашинувини амалга оширади. Бунда профилактика инспектори қидирувдаги шахсларни яшаш манзилларини текширишни амалга оширади ва тезкор-қидирув хизмати ходимига бу ҳақда маълумотлар тақдим этади;

профилактика инспектори хизмат ҳудудида мавжуд бўлган барча тоифадаги ҳисобларда турувчилар мунтазам текшириб боради ва ҳар бир тезкор қизиқиш ўйғотувчи (кафе, барлар, сауналар ва бошқа) жойларда тегишли тезкор-тадбирлар ўтказилишида ташаббускорлик қилади ҳамда бу борада тезкор-қидирув хизмати ходими билан ҳамкорлик қилади.

Кўриниб турибдики, профилактика инспекторининг тезкор қидирув хизмати ходимлари билан ҳамкорлиги асосан жиноятчиликнинг ҳолатини ўрганиш, жиноятларни очиш ва яширинган жиноятчини қидириб топиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва режалаштиришда намоён бўлиб, бу ҳамкорлик икки томоннинг тенг манфаатини назарда туттади.

Бунда ҳамкорлик профилактика инспекторининг тезкор қидирув хизмати ходимларига тезкор-қидирув фаолиятини таъминлашда ёрдам кўрсатиш билан чекланмай, тезкор қидирув хизмати ходимлари ўз фаолиятининг асосий йўналишларидан бири тезкор-қидирув профилактикани амалга ошириш орқали профилактика инспекторларига ҳудудда жиноятларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлашда ҳар томонлама кўмаклашади.

АСОСИЙ ВА ҚЎШИМЧА ЎҚУВ АДАБИЁТЛАР ҲАМДА АХБОРОТ МАНБАЛАРИ

Асосий адабиётлар

1. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: Дарслик / Р.А. Хатамов, Т.Б. Маматқулов, А.С. Турсунов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2023.– 288 б.

Қўшимча адабиётлар:

2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси <https://lex.uz/docs/-6445145>.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 2-апрелдаги “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорати тўғрисида”ги ЎРҚ-532-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-4494709>.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2019-йил 2-сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-561-сон қонуни <https://lex.uz/docs/4494709>.

5. Ўзбекистон Республикасининг 2017-йил 11-сентябрдаги “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-445-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-3336169>.

6. Ўзбекистон Республикасининг 2016-йил 16-сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-3027843>.

7. Ўзбекистон Республикасининг 2014-йил 14-майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-2387357>.

8. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги ЎРҚ-644-сон қонуни. <https://lex.uz/docs/5069150>

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолига наркологик ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 16 майдаги ПҚ-244-сон қарори <https://lex.uz/ru/docs/6017645>

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Алкоголь, гиёҳвандлик воситалари таъсиридан ёки ўзгача тарзда мастлик ҳолатида бўлган шахсларга тиббий ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2022 йил 4 ноябдаги 644-сон қарори <https://lex.uz/ru/docs/6272590>
11. Ўзбекистон Республикасининг 2010-йил 29-сентябрдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон қонуни <https://lex.uz/docs/-1685726>.
12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017-йил 12-июлдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 151-сон буйруғи.
13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2017-йил 25-августдаги “Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”ги 191-сон буйруғи.

